

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

166 Геология-қидирув ишлари йиллик дастурларини
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2662*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Геология-қидирув ишлари йиллик дастурларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 5 сентябрдаги 59 ва 10-сон «Геология-қидирув ишларининг йиллик дастурларини Давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2278, 2011 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 457-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 26 февраль,
18-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2015 йил 26 февраль,
91-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт
вазирлигининг 2015 йил 26 февралдаги
18, 91-сонли қарорига
ИЛОВА

**Геология-қидирув ишларининг йиллик дастурларини
Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти томонидан амалга ошириладиган геология-қидирув ишлари (кейинги ўринларда ГҚИ деб юритилади) дастурини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб юритилади) молиялаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

ГҚИ дастури — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тасдиқланган бир йилга мўлжалланган ГҚИ дастури;

ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи — Давлат бюд-

жети параметрлари доирасида ГҚИни амалга ошириш учун субсидия кўри-нишида бюджетдан ажратиладиган маблағларни олувчи Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси ва «Олмалиқ кон-металлургия ком-бинати» акциядорлик жамияти;

бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўлов — Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сонли «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самара-дорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 8-бан-дига мувофиқ ГҚИнинг амалдаги иш ҳажми ва фойдали қазилмалар захира-ларини ўстириш прогнози(топшириғи)ни бажариш натижаларига қараб кел-гуси йилнинг 1 февралигача тўланадиган бир йилга мўлжалланган ГҚИга бюджетдан ажратиладиган маблағлар умумий суммасининг 10 фоизи миқ-дордаги пул маблағлари.

2. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан фақат ГҚИ дас-турига киритилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда молиялаштирилиши белгилан-ган ГҚИ ҳажмлари ҳамда уларга тегишли бўлган харажатлар молиялаш-тирилади.

Субсидия кўринишидаги бюджет маблағлари солиқ солинадиган даро-мад сифатида қаралмайдиган ГҚИни бажариш учун мақсадли тушумлар ҳисобланади.

3. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ГҚИнинг қуйидаги турлари ва уларга тегишли бўлган харажатлар молиялаштирилади:

а) регионал миқёсдаги геологик, геофизик, геокимёвий, гидрогеологик, геозеологик ва бошқа хариталаш ишлари, олтин ва уран бўйича махсуслаш-тирилган олдиндан излаш ишлари;

б) қимматбаҳо, рангли, радиоактив, қора, ноёб ва нодир металллар, гид-роминерал ресурслар, қаттиқ норуда фойдали қазилмалари бўйича излаш ва баҳолаш ишлари;

в) фойдали қазилма конларини разведка қилиш (янгидан аниқланган конларда мукамал разведка қилиш ишлари), маълумотларни таҳлил қилиш, мавзуга йўналтирилган ишлар ва тажриба-услубий ишлар;

г) геология-қидирув техникасини ишлаб чиқиш бўйича тажриба-конс-трукторлик ишлари, махсус белгиланган ишлар, ер қаърини муҳофаза қилиш ва минерал хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

д) ер ости сувларининг камайиши ва ифлосланишидан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар;

е) илмий-тадқиқот ҳамда меъёрий-тадқиқот ишлари;

ж) геология тармоғи ходимларини ва талабаларни геология соҳаси учун ўқитиш, тармоқ конференция ва семинарларини ўтказиш;

з) вақтинчалик бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда дала базаларида қулайликлар яратиш ва асосий воситаларни харид қилиш;

и) конларни очганлик учун пул мукофоти тўлаш;

к) халқаро конференцияларни ўтказиш.

4. Мазкур Низом қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

нефть ва табиий газга оид ГҚИга;

тоғ-маъдан ташкилотларини лойиҳалаштириш ва қуриш, шунингдек капитал тоғ иншоотларини ўтиш ва бурғулаш қудуқларининг тоғ-геологик, гидрогеологик ва тоғ-техник шароитларини қўшимча равишда ўрганиш билан боғлиқ ГҚИга;

ташкilotлар томонидан кончилик ишлари учун ажратилган ер майдонлари доирасида ишлатилаётган конларда, шунингдек ушбу конлар чеккаларида бажарилаётган ГҚИга;

фойдали қазилмаларнинг жойлашиш чегараларини ва уларнинг моддий таркибини, шунингдек тайёрлов ва қазилма ишлари йўналишини аниқлаш мақсадида бажарилаётган фойдали қазилма конларидаги ишлатилаётган блоklar ва карьерлар доирасида геологик тадқиқотларнинг барча турларига.

2-боб. ГҚИ дастурларини молиялаштириш параметрларини аниқлаш

5. Ҳар йили ГҚИни бажариш учун иш турлари ва объектлар бўйича Давлат бюджетидан бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмлари ГҚИ дастурлари доирасида тегишли бюджет маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига, шунингдек фойдали қазилма захираларини (прогноз ресурсларини) ўстиришнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ бажарилиши лозим бўлган ишларнинг физик ҳажмларига боғлиқ ГҚИлар дастурида кўрсатилади.

6. ГҚИ дастури тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчиларнинг эътиборига улар учун назарда тутилган ҳамда ГҚИ дастурини бажаришга мўлжалланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини маълум қилади.

7. ГҚИ учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар ҳамда харажатлар моддалари кесимида тақсимлаш Давлат бюджетининг харажатлар таснифига мувофиқ амалга оширилади.

8. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан ГҚИ дастурларини амалга ошириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмлари тўғрисида маълумот олганларидан сўнг 5 иш куни мобайнида жорий йилга мўлжалланган ГҚИ дастурида назарда тутилган ажратиладиган маблағлар умумий суммасидан 90 фоиз ва ўтган йилда бажарилган ГҚИлар суммасидан 10 фоиз бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловлар назарда тутилган, бир йилга мўлжалланган жамланма харажатлар сметаларини тузадилар ва рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига

киритадилар. Шу муддатлар ичида ойлар бўйича бўлинган алоҳида сметалар такдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига тасдиқланган ГҚИ дастурлари доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан улар зиммасига юклатилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, ўқитиш ва конларни очганлик учун пул мукофотларини тўлаш, халқаро конференцияларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тўлиқ ҳажмда сметаларга киритилади ва календарь йил давомида молиялаштирилади.

9. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи сметалар билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига амалда бажарилган иш ҳажмлари мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган, ГҚИ дастури доирасида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг физик ҳажмларини ойлар бўйича бўлиб чиққан ҳолда такдим этади.

3-боб. ГҚИ дастурини молиялаштириш

10. ГҚИ дастурини ва уларга оид харажатларни молиялаштириш, тузилган шартномалар, юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш учун сўровнома ва юридик мажбуриятларнинг қабул қилинишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар доирасида Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидаларига (рўйхат рақами 2007, 2009 йил 16 сентябрь) мувофиқ амалга оширилади.

11. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар тасарруфидаги ва бошқа ташкилотлар билан, шунингдек ўзаро ГҚИнинг маълум ҳажмларини пудрат асосида бажаришга шартномалар тузишлари мумкин.

12. «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмалари томонидан ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ички хўжалик шартномалари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

13. Ишларни бажарилганлигини (хизмат кўрсатилганлигини) тасдиқловчи шартномалар ва ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ бажарилган ГҚИни қабул қилиш далолатномалари (расшифровкасиз) бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўловларни тўлаш учун асос бўлади.

ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар томонидан такдим этиладиган ҳужжатларга кўра тўловлар ғазначилик бўлинмалари томонидан «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг банклардаги ҳисоб рақамларига, кейинчалик улардан ГҚИ дастурида белгиланган мақсадлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш учун ўтказилади.

14. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар уларни тасдиқланган сметаларга мувофиқ умумий суммасининг 90 фоизи миқдорида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун газначилик бўлинмаларига тегишли молия йили учун шартномаларни тақдим этадилар. Бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловлар кейинги йилнинг 1 февралига қадар тўланади.

Бюджетдан маблағ олувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасида тузилган ГҚИни бажаришга оид шартномада ҳамда унга илова қилинган молиялаштириш жадвалида қўйидагилар ҳисобга олинади:

ГҚИнинг биринчи ойи давомида жорий йилга шартномада белгиланган қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдордаги аванс тўлови;

ажратилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ГҚИ далолатномасига мувофиқ ҳар ойда тўланадиган ҳақ.

15. ГҚИни бажариш учун бюджет маблағларини олувчи ҳисобот чорасидан кейинги 10 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ГҚИ топшириғининг бажарилиши тўғрисидаги ўтган чорак учун (ойлар бўйича) пул ва физик кўринишдаги маълумотларни Молия вазирлиги билан келишилган жадвал шаклида тақдим этади.

16. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар ГҚИга оид шартномаларни тузишда форс-мажор ҳолатларнинг вужудга келиш имконини ҳамда ушбу ҳолатлар билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга маблағлар ўтказиш тартибини акс эттиришлари лозим.

17. Форс-мажор ҳолатлар сабабли (табiiй офатлар, авариялар ва бошқалар) ГҚИ тўхтатиб қўйилган ҳолларда ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар тузилган шартномаларга мувофиқ ГҚИ дастурларида назарда тутилган суммалар доирасида қўйидаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар ўтказиб беради:

ходимлар ва мол-мулкни бошқа жойга кўчириш, ГҚИ олиб борилган объектларда юзага келган ҳолатларнинг одамларга ва атроф-муҳитга салбий таъсирини чеклаш ёки бартараф этиш;

келгусида ГҚИни бажариш учун асосий воситаларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш.

ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи кўрсатиб ўтилган ишлар якунига етгандан кейин икки ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда бажарилган ишлар ва улар билан боғлиқ харажатлар тўлиқ баён қилинган ҳисоботни тақдим этиши шарт.

4-боб. Фойдали қазилмалар захираларини ўстиришга оид амалга оширилган прогнозлар (топширик) ҳамда ГҚИнинг ҳақиқий иш ҳажмлари натижалари бўйича ГҚИнинг якуний ҳисоб-китобларини амалга ошириш

18. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили

10 декабргача бўлган муддатдан кечикмай фойдали қазилмалар захираларини ўстиришга оид (прогноз ресурслар) ҳамда ГҚИ иш ҳажмларига оид йиллик режалаштирилган ишларнинг якуни бўйича таҳлилий маълумотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар таҳлилий маълумотда бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловлар суммасининг дастлабки ҳисоб-китобларини кўрсатиб ўтади.

19. Бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловлар фойдали қазилма захираларини ўстириш прогнози (топшириқ) ҳамда ГҚИнинг амалдаги иш ҳажмлари натижалари бўйича амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган маблағларни ажратиш мезонлари бўлиб, ГҚИ дастурида назарда тутилган миқдорий ва дискрет (ха/йўк) кўрсаткичларга эришиш ҳисобланади.

20. Ўрганилганлик даражаси, асосланганлиги ва ишончлилигига кўра фойдали қазилмалар захиралари А, В, С1, С2 тоифаларига, прогноз ресурслари — Р1 ва Р2 тоифаларига бўлинади.

ГҚИ дастурида алоҳида сатрда кўрсатилган фойдали қазилма учун ҳар бир иш тури йўналиши бўйича ажратилган маблағларнинг тегишли суммасига мувофиқ мақсадли кўрсаткичларга эришилганлик баҳоланади. Агар фойдали қазилмаларга оид иш йўналиши якуний натижасида фойдали қазилмаларнинг захираларини (А, В, С1, С2 тоифалар бўйича) ёки прогноз ресурсларини (Р1, Р2 тоифалари бўйича) ўстириш назарда тутилган бўлса, бундай ҳолда ушбу кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ, фойдали қазилманинг ҳар бир тури бўйича захираларни ёки прогноз ресурсларни ўсиши бажарилмаган ҳолларда, у бўйича бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

21. ГҚИ дастурлари доирасида фойдали қазилмалар захираларини ва прогноз ресурсларини ўстиришни якуний натижада назарда тутмайдиган ГҚИларнинг айрим турлари учун бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўлов миқдори, физик ҳажмларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Физик ҳажмларнинг бажарилишини баҳолаш ҳар бир асосий иш тури (бурғулаш, ер ости ва устки кончилик ишлари) бўйича амалга оширилади. Асосий иш тури бўйича бирон-бир физик ҳажмлар бажарилмаган ҳолларда, у бўйича бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўлов амалга оширилмайди.

22. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағини олувчи томонидан ГҚИ дастурининг мақсадли кўрсаткичларига эришганлик тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси, идоранинг илмий-техник кенгаши, идоранинг доимий ишлайдиган комиссиясининг баённомалари ва тегишли апробациялар) билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 январидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ва Молия вазирлигига тақдим этилади.

ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи томонидан бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловларни тўланиши лозим бўлган суммасининг аниқ ҳисоб-китоблари ҳисобот давридан кейинги йилнинг 15 январидан кечиктирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 20 январгача бўлган муддатда ҳисоботни кўриб чиқади ва ГҚИ дастурининг тасдиқланган параметрлари ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи томонидан бажарилганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Асосли эътирозлари мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчидан ҳисоботга зарур аниқлик ва қўшимчалар киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Зарур ҳолларда ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилари бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловларни тўланиши лозим бўлган суммасининг ҳисоб-китобига ўзгартиришлар киритадилар ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ва Молия вазирлигига ҳисобот тақдим қиладилар.

25. Ҳисобот бўйича ҳеч қандай камчиликлар бўлмаган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўлов суммасини тасдиқлаган ҳолда ГҚИ дастури параметрларининг бажарилиши яқунлари тўғрисидаги ўзаро баённомани имзолайдилар.

Ушбу баённома ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи томонидан ўзининг қуйи ташкилотларига ГҚИ дастури параметрларини бажарганлиги учун бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловларни ўтказишга асос бўлади.

26. Бажарилган ГҚИ дастурлари натижалари бўйича тўловлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралига қадар ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига белгиланган тартибда топширилган шартномалар ва сўровномалар асосида (тўлов ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчининг ГҚИ дастури параметрларининг бажарилиши яқунлари тўғрисидаги қўшма баённомаси нусхасини илова қилган ҳолда) амалга оширилади.

5-боб. ГҚИ учун асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситалар сотиб олишни молиялаштириш

27. ГҚИ учун асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситаларини сотиб олишга бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар сметасида алоҳида сатрда белгиланади. ГҚИ учун асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситаларини сотиб олишни молиялаштириш бир йилга ажратилган маблағ-

ларнинг умумий суммаси доирасида, ГҚИ дастурида назарда тутилган ишларнинг физик ҳажмларининг бажарилишига боғланмаган ҳолда амалга оширилади.

28. Бюджет маблағлари ҳисобидан асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилган шартномалар ГҚИ дастурида назарда тутилган рўйхат доирасида ва миқдорларида ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи томонидан амалга оширилади. Бунда, ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи ғазначилик бўлинмасига харид қилинаётган асбоб-ускуна ва автотранспорт воситалари рўйхатини ўз ичига олган илова нусхасини тақдим этади. Зарур ҳолларда молия йили давомида ГҚИ дастурида назарда тутилган сотиб олинadиган асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситалари рўйхатига ажратилган маблағнинг умумий суммаси доирасида ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчининг сўровномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

29. ГҚИ дастурида муайян асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситаларини импорт бўйича сотиб олиш назарда тутилган ҳолларда, уларни ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи ўзининг валюта маблағлари ҳисобига сотиб олиб, кейинчалик ушбу мақсадлар учун назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан унинг қиймати эквивалентини миллий валютада қоплашига йўл қўйилади. Бунда, ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчи ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситалари учун ҳақиқатда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиши лозим.

30. Импорт бўйича сотиб олинган асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситалари қийматини қоплаш ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар томонидан (тўлов ҳужжатлари ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хулосасини илова қилган ҳолда) талабномаларни тақдим этиш орқали белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида амалга оширилади.

6-боб. Назорат ва жавобгарлик

31. ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар бухгалтерия ҳисобини юритиши ҳамда молиявий ҳисоботлар ва ГҚИ бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиб боришлари шарт.

32. ГҚИ дастурини молиялаштиришдаги бюджет маблағларининг мақсадли тарзда ишлатилишини назорат қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

33. ГҚИ дастурини молиялаштириш учун бюджетдан ажратилadиган

маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ва Молия вазирлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар, ахборот ва ҳисоботларнинг ишончлилиги юзасидан жавобгарлик ГҚИни бажариш учун бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига юклатилади.

7-боб. Яқуний қоида

34. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти билан келишилган.

*Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси в. б.*

И. ТЎРАМУРОТОВ

2015 йил 10 февраль

*«Навоий кон-металлургия
комбинати» Давлат корхонаси
Бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2015 йил 20 февраль

*«Олмалиқ кон-металлургия
комбинати» акциядорлик жамияти
Бош директори*

А. ФАРМОНОВ

2015 йил 18 февраль

Геология-қидирув ишларининг йиллик дастурларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«БАЖАРУВЧИ»

Лавозими: _____ (Ф.И.О.) _____

Лавозими: _____ (Ф.И.О.) _____

Ташкилот номи

Ташкилот номи

_____ (имзо)

_____ (имзо)

« ____ » _____ 20__ йил

« ____ » _____ 20__ йил

20__ йил « ____ » _____ учун 20__ йил « ____ » _____ даги ____-сонли шартномага мувофиқ бажарилган геология-қидирув ишларини (расшифровкасиз) қабул қилиш

20__ йил « ____ » _____ даги ____-сонли ДАЛОЛАТНОМА

Т/р	2	Ўлчов бирлиги	Бажарилган ишлар қиймати (сўм)	
			йил бошидан	ой учун
1	3	4	5	5
	Бажарилган геология-қидирув ишлари қиймати	сўм		

(ёзма суммаси)

«Бажарилган ишлар белгиланган геологик топшириққа мос»

Бажарилган ишларни қабул қилди:

Бажарилган ишларни топширди:

Лавозими: _____ (Ф.И.О.) _____

Лавозими: _____ (Ф.И.О.) _____

Ташкилот номи

Ташкилот номи

_____ (имзо)

_____ (имзо)

« ____ » _____ 20__ йил

« ____ » _____ 20__ йил

БУЮРТМАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ

БАЖАРУВЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ

